



Пахтакор ўртоқлар! Бутун куч-ғайратимизни, юрак ҳароратимизни зиммага олинган социалистик мажбуриятнинг шараф билан бажарилишига сафарбар этайлик!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 149 (2182).

29 июль, якшанба, 1962 йил.

Баҳоси 2 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети V пленумининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ III ПЛЕНУМИНИНГ ЯКУВЛАРИ ВА ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг пленуми зўр қониқниш билан қайд қиладики, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, Совет ҳукумати КПСС XXII сессия ва КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини бажара бориб колхоз ва совхозларнинг экономикасини мустаҳкамлаш, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда колхозчилар ва совхоз ишчиларининг моддий манфаатдорлигини кўтаришга қаратилган муҳим тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Партия ва ҳукуматимиз томонидан гўшт, ёнғир харид нархларини ошириш тўғрисида қабул қилинган қарор колхоз тузумига берилган қатъий ёрдамдир. Бутун совет халқи томонидан маъқуланган бу тадбир чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни тез суръатлар билан кўпайтиришга ёрдам бериши.

Партиянинг қишлоқ ҳўжалигини бошқаришни қайта қуришга қаратилган тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимиз ҳаётида катта исбсий ва иқтисодий аҳамиятга эгадир.

Область партия комитети пленуми шунин қайд қиладики, Тошкент областининг меҳнаткашлари партия ва ҳукуматимизнинг ҳақ фаровонлигини тўғрисида доимий ғамхўрлигига жавобан, КПСС XXII сессия қарорларини амалга ошираётган янги санаот маҳсулотини ишлаб чиқариш аям йиллик ва капитал қурилиш планларини мўддатдан илгари бажаришлар.

Қишлоқ меҳнаткашлари давлатга туҳум, ғалла сотиш йиллик планларини, гўшт ва жун сотиш аям йиллик планларини бажаришлар.

Колхоз ва совхозларнинг ишчилари бу йил мамлакатга кам деганда 503 минг тонна пахта ва бошқа қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етказиб бериш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Колхоз ва совхозлар чорвачилик озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида, аям майдонларида сўғирларнинг қайта кўриб чиқиш маккажўхори, иўхат ва қалда давлати энгилданг ерларни кенгайтириллар.

Бирок Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленуми қайд қилиб ўтганидек, ҳали кўпгина партия, совет ва қишлоқ ҳўжалик органларининг колхоз ва совхозларга раҳбарлик қилиш савияси, таъшилотчиллик ишларининг савияси КПСС Марказий Комитети март Пленуми талабларига жавоб бера олмайди. 1962 йилда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари, биринчи навбатда пахта етиштириш юзасидан зиммага олинган социалистик мажбуриятга яраша эмас.

Область партия комитетининг пленуми қайд қиладики, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш област бошқармаси, территориял ишлаб чиқариш бошқармаларининг раҳбарлари, район партия комитетлари ва област партия комитетининг партия ташкилотчилари кўпгина ҳўжаликларнинг пахта майдонларида гўза парвариши соҳасида ташвишли аҳвол бўй берганлигига қарамасдан барча мавжуд моддий-техника воситалари, ишчи кучларидан тўла, унумли фойдаланиш учун зарур чораларни кўрмайтириллар ва қишлоқ ҳўжаликларга керакли ёрдамчи берибмайтириллар. Қалнига 68 минг гектар майдондаги гўза ўсшидан орқалда ва 11 минг гектар майдондаги гўзани ўт босган, Айниқса Оқўғроғ, Бўка, Сирдарё, Бекнобод, Комсомол, Янгир, Пискент, Ўрта Чирчиқ районлари,

даги бир қатор колхоз ва совхозлардаги гўза парваришининг аҳвали жиддий ташвиш тугдиради. Кўпгина колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари кўчатнинг сақлалиши устидан контроллини бўшатириб юборганлар, натижада ҳўжаликларда тракторчилар ва сувчиларнинг айби билан кўчатларнинг бир қисминини ноубуд бўлишига йўл қўйилмоқда, бу аса ҳосилнинг бир қисминини ноубуд бўлиш хавфини тугдирмоқда.

Область партия комитетининг пленуми ҳозирги пайтдаги энг асосий ва ҳал қилувчи вазифа гўзани ўз вақтида сўғириб, сифатли парвариш қилишдан иборат деб ҳисоблайди. Бирок Тошкент ва Самарқанд пахтакорларининг ўзлари тешириш бригадалари ҳаққонини равишда айтганларидек, областнинг кўпгина колхоз ва совхозларида гўза чанқатиб қўйилмоқда ва парвариш ишларининг сифати паст.

Бир қатор ҳўжаликларда чекананинг энг яхши мўддатлари ўтказиб юборилмоқда. Кўпгина колхоз ва совхозларда қишлоқ ҳўжалик зараркундаларига қарши кураш ёмон таъшилот этилган.

Пахтани машинада теришга тайёрлагил сўст боряпти, кўпгина ҳўжаликларда аса бу иш бошланмаган. Шу йилнинг 20 июлига қадар мавжуд пахта териш машиналарининг 26,7 проценти, кўсақ чувиш машиналарининг 28,8 проценти таъти қилинган, ҳолос, Янгир, Сирдарё ва Чирчиқ территориял ишлаб чиқариш бошқармаларида айниқса техника ва механик-ҳайдовчи кадрларни тайёрлаш сўст.

Пленум қайд қиладики, Тошкент территориял ишлаб чиқариш бошқармаси (бошқили Нестеров, област партия комитетининг партия ташкилотчиси Қирғизбаев Ўртоқлар) сабабот ва қартошқа энгилари ҳосилни кўпайтириш ва тайёрлашга ҳали етарли эътибор берибмайтир. Шу пайтгача Ўртоқлар ва Оржоникидзе районлари бу энгилари. Энгиш планларини бажараолмадилар.

Сабзавот, қовун-тарвуз, қартошқа ҳосили колхозлар, совхозлар мўла бўлишига қарамасдан тайёрлаш ва савдо орқалари бу энгилари ҳосилини тайёрлаш ва Тошкент шаҳри ҳамда областнинг бошқа шаҳарларида савдонини уюштириш юзасидан қониқарсиз иш олиб бормоқдалар.

Оқўғроғ, Ўстонқили, Юдори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ районларининг кўпгина колхоз ва совхозларини пилла курти боқниш ва пилла тайёрлаш ишлари билан ахши шуғулланмайтириллар, пилла етказиш юзасидан 1962 йил учун олинган социалистик мажбуриятни бажариш учун бор имкониятлардан фойдаланмайтириллар.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда ҳам жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Пирик шохли қорамоллар, туегини кўпайтириш юзасидан олинган социалистик мажбурият 92,0 процент, сирлар бўйича 80,3 процент, чўчқалар плани 82,4 процент, парранда бўйича 46,5 процент, гўшт етиштириш бўйича 28 процент, сўст етиштириш бўйича 33,6 процент бажарилиди.

Сирдарё, Янгир территориял ишлаб чиқариш бошқармаларида, энгил колхоз ва совхозларида чорвачилик сўст ривожланмоқда.

Оқўғроғ, Ўрта Чирчиқ, Ўстонқили, Калинин, Оржоникидзе, Гулистон, Комсомол ва Янгир районларига сўғи энгиллардан сўст сўғиб олиш ўтган йилдаги қараганда кескин камайиб кетди.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш юзасидан олинган соци-

алистик мажбуриятнинг қониқарсиз бажарилаётганлигига энг асосий сабаб шунки, кўпгина ҳўжаликларда озуқа базаси ҳали ҳам мустаҳкамланмаган.

Чорвачиликни бошқаришда илгор усуллар — молларни боғламасдан боқниш ва механизация воситасида сўғиш усуллари ишлаб чиқаришга сўст жорий қилинмоқда.

Область партия комитети пленуми қайд қиладики, 1962 йилда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, биринчи навбатда пахта етиштиришни кўпайтириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни бажаришда йўл қўйилган камчиликларга област партия комитети бюроси, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш област бошқармаси, территориял ишлаб чиқариш бошқармалари, район партия комитетлари ва район ижроия комитетлари колхоз ва совхозларда ташкилотчиллик ишларини сўст олиб бораётганликларини, кўп ҳолларда камчиликлар билан иезилиб келаётганликларини, қишлоқларда аҳволга етарли таътир кўрсатмаётганликларини сабабдир. Колхоз ва совхозларда меҳнат ва давлат ишхонасини мустаҳкамлаш учун кескин кураш олиб борилмаптир.

Область партия комитети пленуми қайд қиладики, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг пленуми Тошкент область партия комитетининг бошлангич партия ташкилотларига раҳбарлиги ҳақида ҳисоботи айтилганлиги област партия ташкилотининг ҳаётида катта воқеадир.

Область партия комитети КПСС XXII сессиядан кейин бошлангич партия ташкилотларига раҳбарлик қилишни бирмунча ахшилатди, уларни янада мустаҳкамлаш, оммага ташкилотчиллик ва исбсий таътирини кучайтириш, ишлаб чиқариш ва маданий қурилишда коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш юзасидан бир қанча тадбирларни кўрди. Ана шу вақт ичунда областнинг партия ташкилотлари оқди, ташкилий ва ғовий жиҳатдан чиникиди.

Шу билан бирга Ўзбекистон КП Марказий Комитети пленуми ҳаққонини равишда қайд қилиб ўтгани, Тошкент областдаги кўпгина бошлангич партия ташкилотлари, ишнинг савияси ва мамзун КПСС XXII сессия томонидан қўйилган вазифаларга тўла жавоб берибмапти.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

СССР Мудоффаа министрининг БУЙРУҒИ

1962 йил 29 июль

№ 195

Москва шаҳри

Матрос ва солдат, старшина ва сержант ўртоқлар!

Офицер, адмирал ва генерал ўртоқлар! Меҳнаткор санавтийнинг ишчилари, инженерлари ва техниклари ўртоқлар!

Бутун Ватанимиз халқлари ва Совет Қўролли Кучлари жангчилари СССР Ҳарбий Денгиз Флоти кўнини байрам қилмоқдалар.

Совет Иттифоқининг меҳнаткашлари бу байрамни КПСС XXII сессиянинг тарихий қарорларини амалга ошириш учун умумхалқ кураши қизиб кетган бир вазиятда ишончломқдалар.

Совет давлати ўзининг доим ўсиб бораётган қудратини ер юзюда мустаҳкам тинчлиқни таъминлашга, янги яҳжон урушининг олдини олишга сарф қилмоқда.

Аммо, Ғарбдаги империалистик давлатларнинг ҳўкумрон доиралари зўр бериб қуруллонлигини авж олдиришмоқдалар, агрессия Ҳарбий блокларнинг иғворларик фаолиятини кенгайтирмоқдалар.

Партия ва ҳукумат тинчлиқни мустаҳкамлаш, социалистик Ватанимиз, бутун яҳжон социалистик системасининг манфаатларини қўлаб, Совет давлатининг мудоффаа қувватини мустаҳкамлаш учун, армия ва флотни замонавий Ҳарбий техника ва қурул-яроқлар билан таъминлаш учун зарур чораларни кўрмоқдалар.

Ўзининг Ҳарбий маҳоратини такомиллаштира бориш, янги техникани қўнт билан эгаллаш, комму-

низм қураётган халқимизнинг ижодий меҳнатини қўриқлаш соҳасидаги катта ва фарзли вазифаларни шараф билан бажариш совет жангчиларининг муқаддас бурчидир.

Сизларни умумхалқ байрами — Ҳарбий Денгиз Флоти Кўни муносабати билан табриқлайман ва қўтлайман.

Ҳарбий Денгиз Флоти шахсий составининг жангговар ва исбсий тайёргарликда, Ҳарбий иттиқомини мустаҳкамлашда, қораблар ва қисларнинг ҳўшёрлиги ва Ҳарбий тайёрларини оширишда бундан бўён ҳам муваффақиятларга эришувини тилайман.

Меҳнаткорини сановати барча ҳодимларининг Ватан флоти учун биринчи даражали қораблар қуришда янги муваффақиятларга эришувларини тилайман.

Байрамни нишонлаш учун буюрмамиз: Бутун, 1962 йил 29 июлда Ватанимизнинг пойтахти Москвада, иттифоқи республикаларнинг пойтахтларида, қаҳрамон шаҳарларда, шунингдек флот ва флотийларда тўлардан бир йўла йигирма марта ўқузиб салот берилсин.

Яшасин севикли Ватанимиз! Яшасин коммунизм қураётган улуг совет халқи! Яшасин Совет Ҳарбий Денгиз Флоти!

Совет халқи барча ғалабаларининг илҳомчиси ва ташкилотчиси — жожажон Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!

СССР Мудоффаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Р. МАЛИНОВСКИЙ.



Бўка районидagi «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг ўртоқ З. Абдуллаев бошлик бригада аъзолари Мурожаатдан рўхланиб, энгилларига юксак мажбурият олдилар. Улар 75 гектар ерининг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Суратда: бригадир ўртоқ З. Абдуллаев.

А. Абалон фотоси.

ЖОНКУЯР МЕХАНИЗАТОР

Пайкал оралаб бормоқдамиз. Пўлат отини тинмай юргизаётган тракторчининг ишини кўриб қаноат ҳосил қилдик. Бу йил она-Ватанга гектаридан 35 центнердан пахта топириш мажбуриятини олган Янгир районидagi «Коммунизм» колхозининг механизаторлари ҳосил тўлаш олгида ана шундай унумли меҳнат қилмоқдалар.

Механизатор ўртоқ Қайом Шодмонов тажрибали тракторчи. Бу касбадан анчадан бўён ишлайди. Бу йилги мавсумда 578 гектар майдондаги гўзани ҳам узунасига, ҳам қўдалангига култивация қилиб берди. Қ. Шодмонов шу кунларда ҳам тракторидан тушмай, гўзани култивация қилапти. Жонкуяр универсалчининг меҳнати туфайли гўзалар ахши ривожланиб, мўла ҳосил тўламоқда.

Н. УММАТОВ.

САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР

Н. С. Хрущев Тула, Орёл ва Курск областларида

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрущев 27 июлда Павск (Тула области) келди. Ўртоқ Н. С. Хрущев билан бирга КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолари Г. И. Воронов, Н. В. Подгорний ва Д. С. Полянский ўртоқлар ҳам келдилар. Бу ерда уларни Тула область партия комитетининг биринчи секретари И. Х. Юнан ва област ижроия комитетининг раиси В. С. Батурич кўтиб олдилар.

Партия ва ҳукумат раҳбарлари поездан автомашиналарга тушиб, областдан бўйлаб сафарга чиқдилар. Тула қишлоқ ҳўжалик таътирба станциясининг далаларида маккажўхори ва хашаки дуккакли дон энгилари кўздан кечирилди.

Н. С. Хрущев ва бошқа ўртоқлар Тула областдан Орёл обла-ластига йўналдилар. Бу ерда улар-нинг Орёл област партия комитети-нинг биринчи секретари Н. Ф. Игнатов, област ижроия комитетининг раиси Н. И. Голубев, Мценск район территориял колхоз-совхоз бошқармасининг вакил-лари кўтиб олдилар.

Машиналар «Волковский» совхозининг катта маккажўхори мас-синига келиб тўхтади. Бу — В. Н. Зиновьев бошлик механизация-лаштирилган эвено участкаси. Бу участкада 84 гектар майдон бор ва бошқа жойда ҳам қариб шун-ча миқдордаги ерга маккажўхори энгилган. Энгиллар ахши парвариш қилинган, эвенои ўтлардан тоза-ланган. Эвено бошлиги Н. С. Хрущев билан қилган суҳбатда ҳар гектар ердан 500 центнердан сўтали кўкпола олиш ниятида энгил-лигини айтди.

Никита Сергеевич энгилларни мактабдаи Шу билан бирга, у бу йил ҳаво салқин бўлиб, маккажўхориға жуда ёмон таътир кўрсат-ганлигини ҳам айтди.

Йўл-йўлакка самимий учрашу-влар бўлди. Қадимий рус шаҳри Мценскда кўп кишилар Н. С. Хрущев ва унга ҳамроҳ бўлган ўртоқларга пешвоз чиқдилар.

Шаҳарлар ҳам қишлоқлар ҳам янги қурилишлар билан қоплан-ган. Отрядное қанд заводи посёл-касида бир қаватли ва икки қа-ватли уйлар қурилмоқда. Никита Сергеевич 4—5 қаватли уйлар ку-риш мақсадида мувофиқ энгилни-ни бу бундай уйлар тежамли ҳам-да арзонга тушажанини айтди.

Карл Маркс номли колхоз. Қишлоқ билан ёнма-ён ишнинг беҳад қунонтирувчи беноён мак-кажўхори майдонлари. Бу — ком-сомол аъзоси А. Крутих бошлик механизациялаштирилган эвено участкаси.

— Маккажўхори сўз бўлип-ти! — дейди Никита Сергеевич. Бу эвено 150 гектар майдон-да «дала малиниси» етиштирмоқ-да. Юз гектар майдоннинг ҳар

гектаридан бир минг центнердан сўтали кўкпола ва 50 гектар май-доннинг ҳар гектаридан 50 цент-нердан маккажўхори дони олиш мўлажалланди.

«Лубенский» совхозининг да-лаларида Н. С. Хрущев қишлоқ меҳнаткашлари билан қизғин суҳ-бат қилди.

«Ленинское знамя» колхозининг марказидagi Домаха қишлоғида дала меҳнаткашлари Н. С. Хруш-чев ва унинг ҳамроҳларини самим-ий кўтиб олдилар. Агрофеве-радаги барча қишлоқларнинг аҳолиси бу ерга тўпланган эди.

Бу колхоз қолқоқ ҳўжаликлари-дан бири эди. Колхозчилар ком-мунист С. Н. Фанки колхоз раиси қилиб сайлаганларидан кейин иш-лар юришиб кетди. Ўртоқ Фан колхоз ишдан олиниб, район пар-тия комитетининг секретарилигига ўтганида артель аъзолари КПСС Марказий Комитетига мактуб би-лан мурожаат қилдилар. КПСС Марказий Комитети колхозчилар-нинг илтимосини қўлаб-қувватла-ди. Ўртоқ Фан яна колхозга қай-тиб келди.

Мана, энди ўртоқ Фан колхоз-нинг ишлари тўғрисида Н. С. Хрущевга сўзлаб бермоқда.

Н. С. Хрущев чорвачиликнинг ривожланиши ва унинг маҳсулдор-лиги билан қизнади. Суҳбатдан кейин меҳмонлар колхоз далаларини, жумладан хашаки дуккакли энгилари кўздан кечирилди. Н. С. Хрущев айтди-ки, бу йил шимолий районларда дуккакли энгиллар ахши ўс-моқда. Ишни шу тариқа уюштириш ке-ракки, бу энгиллар маккажўхори-нинг яхши шериги бўлиб қолсин.

Орадан сал вақт ўтган Н. С. Хрущев ва бошқа ўртоқлар Дмитров районидаги «Красное знамя» колхозига йўналдилар ва у ерда донги кетган маккажўхори-кор коммунист П. Е. Сапуовнинг маккажўхори майдонига булдилар. П. Е. Сапуов ҳар гектаридан 1218 центнердан сўтали кўкпола ва худди шундай миқдордаги май-доннинг ҳар гектаридан 62 цент-нердан сўтали етилган маккажў-

хори дони олган эди. Ем-хашан едининг колхозга атиги 0,65 ти-йилдан тушди. Сапуов бошлик механизациялаштирилган эвено энгилда 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 1250 центнердан сўтали кўкпола, қолган майдонлар-да эса, ҳар гектар ердан 70 цент-нердан куруқ дон олишга ҳара-нат қилмоқда.

Орёл областидан Курск обла-стига бориш йўлида «Железно-горскда» Н. С. Хрущев Дзержин-ский ёрта мактабнинг ўқув-чилари билан самимий учрашди. Бу мактаб ўқувчилари 70 гектар-лик участкада маккажўхори, карто-шқа, хашаки дуккакли энгиллар, қанд лавлагидан мўла ҳосил етиш-тириллар.

Н. С. Хрущев бутун тушдан кейин Г. И. Воронов, Н. В. Под-горний ва Д. С. Полянский, шун-ингдек КПСС Курск область ко-митетининг биринчи секретари Л. Г. Монашев, област ижроия комитетининг раиси В. А. Белоу-сов, Халқ ҳўжалиги, кенгашининг раиси С. И. Шауров билан бир-галда Курск область «Железно-горскда» Михайлов темирруда комбинати қарьерида булдилар.

Диспетчерлик пунктида қизғин суҳбат бошланиб кетди. Никита Сергеевич қонинг ривожланиш истиқболлари билан қизиди. Ком-бинат директори Н. А. Никитин қонларининг Михайлов группаси Курск магнит аномалиясидаги энг йирик қонларнинг бири эканлигини айтди.

Никита Сергеевич қарьер ман-зарасини кўздан кечириб, бу ерда ишлар асосан автомашиналар ер-дами билан бажарилаётганлигини, бу аса иқтисодий жиҳатдан фойда-ли эмаслигини айтди.

Никита Сергеевич суҳбатнинг охирида Курск магнит аномалияси қонларидан бирини келиб-қурган-лигидан мамнун эканлигини айт-ди.

И. АРТЕМОВ, И. ПОЛУШИН, А. СИВОНОВ. (ТАСС мухбирлари).

ТАСС АХБОРОТИ

1962 йил 28 июлда Совет Иттифоқида Ернинг сунгй йўлдоши «Космос-7» муваффақиятли равишда учирилди. Йўлдошда ТАСС томонидан шу йил 16 марта эълон қилинган программатга мувофиқ, космис фазони тадиқ қилишни давом эттиришга мўлажалланган ил-мий аппаратлар ўрнатилган. Дастлабки маълумотларга қараганда, йўлдош қўйилган параметрли орбитага чиқарилган: айланишининг дастлабки даври — 90,1 минут, Ер юзасидан энг кўп узоқлашган нуқтаси (апогей) — 369 километр, Ер юзасига энг яқин нуқтаси (пе-ригей) — 210 километр, орбитанинг экваторга нисбатан огиш бурча-ги — 65 градус. Йўлдошда 19,994 мегагерц частотада ишлайдиган радиоперататчик ўрнатилган. Йўлдошда орбита элементларини аниқ ўлчаш учун радиосистема ҳамда боргда ўрнатилган приборлар ва илмий аппаратларнинг ишн ҳақидаги маълумотларини Ерга юбориб ту-риш учун радиотелеметрич аппаратлар ҳам бор.

Дастлабки олинган маълумотларни анализ қилиш йўлдошда ўр-натилган аппаратларнинг нормал ишлаётганлигини кўрсатади. Йўл-дош Совет Иттифоқи территориясида жойлашган ердаги команда—ўлчов комплекс пунктлари томонидан қузатилиб турибди ва теле-метрич ахборотлар қабул қилиб олинимоқда.

МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ VI СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг VI се-ссияси шу йил 2 август эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Давлат фе-лармонияси (Свердлов театри) биносида очилди.

Сессия кун тартибда: Шаҳарда мактабгача болалар муассасалари тармоқларини кенгай-тириш ва уларнинг ишини ахшилаш тадбирлари тўғрисида.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ИЖРОЯ КОМИТЕТИ.

Новости матбуот агентлиги
(АПН).

ТАРИХИЙ ЖОЙ

Бородино жанги Ватанимиз тарихига Наполеон қўшинларига қарши курашда рус халқининг буюк қаҳрамонлиги сифатида киради. 1812 йил 26 август (7 сентябрь)да Бородино қишлоғи яқинида бўлган жанг рус армияси Наполеон армиясининг шиддатли ҳужумини қайтарди.

Ҳа даврнинг энг кучли икки армияси ўртасидаги жанг 15 соат давом этди. Энг яхши француз қисмлари русларнинг позицияларига қўриб ҳужум қилдилар. Багратиончиларнинг таянч пунктлари ва Раевскийнинг батареяси французларнинг жуда кўп атакасига бардош берди. Семеновский дарёси хавасида ва Старий Смоленск йўлида қизғин жанглар бўлди. Лекин ҳамма жойда ҳам душман қўшинлари рус позицияларининг таянч пунктларини қаҳрамонона ҳимоя қилган рус жангчиларининг қатъий қаршиликка дуч келдилар.

Бородино жанги натижасида Наполеон армиясининг енгилмаслиги тўғрисидаги афсона чинлашди. Рус армияси ғалаба қозонди. Бу ғалабанинг оқибатлари Россиядаги ҳарбий ҳаракатларнинг кейинги ривожланишига эмас, балки наполеончи босқинчилар қарам қилиб олган Европа мамлакатларидаги миллий озодлик курашида ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Суратда: Горка қишлоғи ва Новая Смоленская йўли. Ана шу йўлдан Наполеон армияси Москвага ҳужум бошлаган эди.

О. Кузьмин фотоси.
(ТАСС фотохроникаси).



ТУРИСТЛАР —
БУ СИЗ УЧУН!

„Мени олиб кетинг, туристман!“

Фараз қилайлик, сиз узон бир район ёки қишлоққа на-
диринишнинг қишлоққа на-
дириниш. Йўловчи машиналар
дан бирига ўтириб жунаш
учун йўл ёқасига келдингиз.
Машиналар «ғиз-ғиз» ўтиб
турибди. Бирга кўл кўтари-
дингиз, тўхтамади. Иккинчи,
учинчи ҳам тўхтамай ўтиб
кетди.

Ана, яна бир машина
келаяпти. Шояд буни олиб
кетса... Яна кўл кўтарасиз.
Машина сиздан сал нари
ўтиб тўттайди. Хайрият-э,
дея чўқур нафас олиб
шофер ёнга келасиз.

— Мени Хўжаентга
олиб кетинг, амаки?

— Мумкин эмас! Сал
юрмай автоинспектор тўх-
татиб суриштирса, шаъни-

нига яхши бўлмайди-да!
Яхши, пассажир автобус-
да жўнайқолинг...
Ҳа, шофер жуда тўғри
маслаҳат бериб кетди. «Йў-
ловчининг, пассажир авто-
бусга марҳамат!» Нима қи-
лишини билмай, бесара-
жаном бўлиб, атрофга
аламлиғиз. Диктантингиз
сиздан беш-ўн қалам нарида
тўхтаган йиғит жалб этади.

Унинг эғидида енгил спорт
ийимлари, елкасида рюк-
зак. Афтидан, у ҳам маши-
на кутаётгандек.

— Оғайни, йўл бўл-
син? — беихтиёр сўрайсиз
ундан.

— Бўстонликда саёҳатга
кетилман.

— Йўловчи машина кут-
май қўяқолинг, бўлмасам.

Олиб кетишмаяпти. Мен
йўлда тўшиб қолишим ке-
рак эди. Бир неча машина
ўтди-ю, бирортасия олиб
кетмади.

— Мени албатта олиб
кетадилар, туристман. Мана бу
ҳужжатни кўриб, дарров
тўхташади, — у муқовасига
«Автостоп» деб ёзилган
дафтарчами кўрсатди. — Бу-
ни фақат туристларга бери-
шади. Бу билан хоҳлаган
томонга — ҳар қандай йў-
ловчи машинага ҳам ўтириб
кетаверисиз мумкин.

— Турист узокдан кўри-
ган машинага кўл кўтариб
«Автостоп»ни кўрсатди. Ма-
шина унинг олдида келиб
тўхтади.

— Мени олиб кетинг, ту-
ристман!

— Марҳамат! — шофер
рюкзак кўтарган йиғитни
кабинага таклиф қилди. Ма-
шина яна йўлда давом эт-
ди.

Туристларга нақадар кат-
та нафот, қулайлик!
Туристларга кўрсатилган
бу нафотида дастлаб,
Ленинградликлар — ўтган
йил ёзда олиб бериб берди-
лар. Бу ерда «Автостоп»
ташқил этиш ташаббуси
меҳнатқаш-туристлар томо-
нидан қизғин кўтирилди.

«Автостоп» туризмнинг ўн-
га хос, яна бир тури бўлиб,
бу саёҳатчилар — шаҳар
чеккаларига чиниб дам ол-
увчилар учун яратиб берилган
ажойиб қулайликдир. Совет
Иттифоқининг кўпгина рес-
публикалари ва шаҳарлари,

жумладан Ўзбекистонда ҳам
Ленинградликлардан намуна
олиб, «Автостоп»
ташқил этилди. Ўзбекистон-
ликлар Ўрта Осиё республика-
лари меҳнатқашлари
орасида биринчи бўлиб ўз
«Автостоп»ларига эга бўл-
дилар.

«Автостоп»нинг турист
учун афзаллиги бениҳоят
катта. Шоферлар «Авто-
стоп»га эга бўлган йўловчи-
ларни, ҳатто автоинспек-
торлардан ҳам ҳайқиримай
бемаълум олиб кетишаверади.

Турист қўлидаги «Авто-
стоп» кийжасини кўтарди.
Машина таққа тўхтади.
Йўли бир бўлса туристни
олиб кетди. Саёҳатчи —
турист хоҳлаган ерда маши-
надан тўшиб, яна бир маши-
нада бошқа томонга ҳам ке-
таверисиз мумкин. Бу имко-
ният турист учун жуда қу-
лай ва арзондир.

«Автостоп» кийжасини
Ўзбекистон турист — энс-
курсион республика бошқар-
маси ва турист базалар-
дан жуда арзон баҳога — 5
тигинга сотиб олиш мумкин.

Бундан ташқари турист ма-
шинада босиб ўтишган ҳар
10 километр масофа учун 5
тигинлик талон тўлайди.
Талондаги графаларга шо-

фернинг фамилияси, машина-
нинг маркиси, номери, чис-
ло ва вақт ёзилади. «Авто-
стоп»га эга бўлган туристни
машина тўхтаб, олиб кетган
тақдирда, унинг номери-
ни турист билди олиб, дав-
лат автоинспекцияси ёки
ўша машина қарашли авто-
база, бошқармага шикоят
қилишга ҳақлидир.

Ленин, йўловчи шоферлар
бундай аjoyиб ҳужжатли
«пассажир»ларни олиб ке-
тмай иложи ҳам йўқ. Чунки
Касаба Союзларининг рес-
публика Совети президиуми
«Автостоп» талонларини энг
кўп йиққан шоферларни энг
левишар, радиопримени, фо-
тоаппарат, қўл соатлари ва
бошқа хил қимматбаҳо бу-
юмлар билан мукофотлашга
қарор қилиб қўйди.

Йўловчи шоферлар ўзлари йи-
ган талонларни энг охири-
да Ўзбекистон Турист-экс-
курсион республика бошқар-
масига тақдим этадилар.

Ана ўшанда кўп талон то-
пишган шофер энг қиммат-
ли мукофот билан тақдирла-
нади.

Туристлик саёҳатларга чиқ-
сангиз сиз ҳам албатта «Ав-
тостоп» сотиб олинг.

М. ЭРКИНОВ.

Х А Р Т Ў Ф Р И Д А

ЕВРОПАДА ЭНГ БАЛАНД АНТЕННА МАЧТАСИ

Берлин яқинидаги Целендорфа Европада энг
баланд бўлган радиоэшиттириш мачтаси бор.
Унинг баландлиги 351 метрга боради, бу Эйфел-
ва минорасидан 51 метр ортиқдир. 52 секциядан
иборат бу мачтанинг оғирлиги 148 тонна. Унинг
конструкциялари совет лойиҳалари бўйича ГДР
заводларида тайёрланган. Мачтани Берлин ишчи-
лари ўрнатилган.

ОЗУКАГА ҚОН ҚУШИБ БЕРГАНДА...

Германия Демократик Республикасида жонивор-
ларнинг қонини чўчқа озукасига қўшиб бериш

тадқиқ қилиб кўрилди. Ана шу озукани еган чўч-
қанинг этига эт қўшилиши бир кунда 20—25 про-
цента ошган.

ЧАЛА УТКАЗГИЧЛИ СОАТЛАР

Чехословакия Фанлар академиясининг радио
техника ва электроника институтида ана шундай
соатлар конструкция қилинди. Чала ўтказгичли
соатларнинг ошиб ёки орқада қолиб кетиши бир
суткада секундининг 2 мингдан бирига тўғри кела-
ди.

Бу соатлар кораблларнинг энг аниқ хронометр-
ларидан ҳам тўғри юради. Янги соатлардан гео-
физика ўлчовларида фойдаланилади.



Комил безори

Комилбекни маҳаллада жуда
ўхшатиб «Комил безори» деб ата-
шади. Ахир уни Комил безори
деганларча бор. Аввало унинг
ичмаган қуни йўқ. Иккинчи — та-
мом. Ҳа айтганидек «кутуриб
кетди». Магазиндаги ёки бирон
хилват ердаги томоннинг тағига
икки юз граммни отиб олади-да,
дуч келганини ёқасидан олиб:

— Менга қара... мен ким бў-
ламан? — деб сўрайди.

— Сизми? — дейди йўловчи
қўриб, — сиз-сиз бўласиз-да...

— Мен мен бўламанми?

— Ҳа...

— Мана сенга, — дейди безори
мушт кўтариб. Ана шундан сўнг
халиги йўловчи 8 қўчиб қўтилади
ёки... уёғи ўзинингга ҳам маъ-
лум бўлса керак. Комил безори,
нинг айниқса шикмиллигини айт-
майсизми. Шу кеча-кундузда
унинг дастидан хотин-қизлар қў-
ча-қўйта чиқа олмади қилинган. Ёш
жувонлар тунги сменага боришга

безиллаб қолишди. Яқинда ана шу
қариганда қўйилмаган безори на-
батдаги «тамоша»ларидан бирини
кўрсатди. Тунда, Икром Мусли-
мовнинг ишга кетганлигидан фой-
даланиб, унинг хотини Қўтун Тўх-
таеванинг бошига бостириб кирди,
бутун маҳалла олдида шарман-
даю-шармисор бўлди. Қўтуннинг
безори энди таъзирини ейдиган
бўлди, деб ўйлади. Ҳатто район
милициясида мана бундай доқла-
номалар ҳам ёзилди:

«... Гражданин Қўтун Тўхтае-
вининг шикоти асосида безори Ко-
милбек Қаюмбеков устидан жи-
ноий иш қўзғатилди, Қаюмбеков-
нинг Қўтун Тўхтаеванинг ному-
сига таъмир қилганлиги фантлар
асосида исботланди.

Қаюмбеков ахлоқий жиҳатдан
бузилган, биринчи хотинини му-
тасил равишда азоблаб келган ва
ичини боласи билан қўчага ҳайдаб
юборган, ўз келинининг ному-
сига таъмир қилган. У ўз иш жойида
ҳам ҳеч қандай обрўга эга эмас.

Қаюмбеков коммунист. Учети
«Москва» колхозининг партия
ташқилотида туради. Юқоридаги-
ларни маълум қилиб, тез кунда
Қаюмбековнинг партиявий иши
қўрилиши ва жиноий жавобгар-
лигига тортилиш масаласи қараб
чиқирилиши сўраймиз.

Ҳўш, ана шундан сўнг комму-
нист деган муқаддас номга доғ
тушибди, текканга тегиб, тегма-
ганга кесат отиб юрган шикмил
Қаюмбековнинг попути пасаити-
риб қўйилганлиги, ахлоқсиз ўз
қилимиди яраша жазоланганлиги,
деб ўйларсиз. Лекин... ҳамма гап
мана шу лекцияда... Лекин район
милиция бўлимининг бошлиғи ўр-
тоқ Сидиқов томонидан ёзилган
доқланома бир ойдан буён ҳеч
жойга юборилмай, у кишининг
тортилариди сарғайиб ётибди.

Безори бўлса ҳамоно ялло қи-
либ юрибди. район милиция хо-
димларининг бепарволигидан жу-
да хурсанд.

Т. ОРТИҚОВ,
Н. ОМОНОВА,
Калинин район «Москва»
колхозчи.

ҚАЧОН ТАШИБ ОЛАСИЗЛАР?

Қадрли «Уртқимок!» Бир маса-
ла сенинг ёрдаминга жуда ҳам
муҳтож бўлиб қолди. Тезда ер-
дам бермасанг бўлмайдингизга ўх-
шайди. Гап бундай: — ёқилги қи-
сбобот хўжалик базасига қарашли
кўмир складининг аҳоли жуда
ҳам тағиб бўлиб қолди. Илгарилар
кўмир етишмай ташкилотлар
сану-маи қилиб ётишар эди. Мана
энди бўлса, ҳаммаёқни кўмир бо-
сиб кетган. ташлагани жой йўқ.
Кўмир олиш керак бўлган идо-
ралар турли баҳраларни рўқча
қилиб четта ташлашгани ташлаш-
ган. Шунинг учун ҳам кўмир
складиди неча минг тоннага то-
за кўмирлар оғибди қўйиб, кулга
айланиб ётибди. Чангил яқин ат-
рофдаги хонадонларни безор қил-
моқда. Горилларнинг қатъий плани
бўйича шаҳар соғлиқни сақлаш
бўлими ва шаҳар халқ маорифи
бўлими 28,9 минг тонна кўмир
ташиб олишлари керак эди. Шун-
дан шаҳар халқ маорифи бўли-
ми 9 минг тонна, шаҳар соғлиқни
сақлаш бўлими 9,7 минг тонна та-
шиб олди. холос. Қолганлари ҳа-
ли айтганимиздек тоғ бўлиб ўй-
либ ётибди. Мана бу ташкилотлар
хоҳир жойини бўлмашаганлари
учун бошқа ташкилотларга тегиш-

ли бўлган кўмирлар темир йўл
станцияларини банд қилиб ётибди.
Ўзларига тегишли кўмирни ташиб
олмай, давлатга ҳам халққа ҳам
ларар келтираётган ташкилотлар
орасида айниқса Ленин. Кўйиб-
бер, Киров район халқ маорифи
бўлимида режор қўймоқда. Ма-
салан, Ленин район маориф бўли-
мига қачон телефон қилсангиз ўн
тонна, нари бора йиғинма тонна
кўмирни ташиттириб оладиларда.
яна сувга чўққан тошдек йўқ бў-
либ кетишди. Кўйиб-бер район
маориф бўлими ходимларининг бе-
парволиги туфайли 113, 153, 67,
мантаблар ҳалигача 578 тонна
кўмирни ташиб олган йўқ. Шу-
нингдек, 69, 18, 52, 55-мантаб-
лар ҳам кўмир складини ўзлари-
нинг складларига айлантириб
олишган. Бу мактабларнинг ди-
ректорларига кўнгирак қилиб ёқ-
мириларини олиб кетинг» де-
сангиз:

— Қанақа кўмир? — деб ўз-
ларини тўғилка солишади.

— Қанақа бўлди, ҳар йили
олинмаганди кўмир-да дейсиз бете-
қаб бўлиб.

— Яхши эртагаёқ ташиб ола-
миз, — деган жавобни эшитсангиз
яна, Ленин бунгаёқни тутирсиз
жавоблар кўмир складини учун
жуда қимматга тўшмоқда. Чунки
сиз пландаги кўмирни узок ўлка-
лардан ташиб ўз вақтида келти-
масан қиш яқинлаши билан аҳо-
ли кўмирни вақтида ололмайд.

Ўзини тўғилка солиб склади-

мизни банд қилиб ётган ташкилот-
лар орасида Киров район халқ
маориф бўлими ҳам бор. Район
иккинчи нивартада ташиб олиши
керак бўлган кўмирдан 630 тонна-
си складда чанга айланиб ётибди.

Шунингдек, биз бу ўринда
транспорт ҳақида ҳам иккинчи
тўхталиб ётмоқчимиз. То шу кун-
гача шаҳар автотрестининг бошли-
ғи ўртоқ Здрайковскининг ваъ-
дабозлиги орқасида, транспорт ма-
саласи ҳам ҳал бўлмасдан келмоқ-
да. Ўртоқ Здрайковски ҳар кун
сизга 45 самосвал акратиб бери-
ши керак эди. Лекин бу рақам
қоғозда ва қарорда бор, холос.
Амалда эса акратилмаган самос-
валнинг сон 35—36 дан ошмай-
ди. Бу самосваллар ҳам кўпчи-
ча хусусий ишчиларга қира қи-
лиш билан кун ўтказида. Мана
шунинг учун ҳам складимиз атро-
фида чет ташкилотларга қарашли
машиналар уюлишиб ётади.

Хуллас, азиз «Уртқимок», у ма-
салада ҳам, бу масалада ҳам се-
лининг ёрдаминг жуда зарур. Юқори-
даги ташкилотлар, рақбарларига
кўмирни қачон ташиб оласизлар,
қачон жойини бўшатиб қўясизлар
сизларнинг бепарволигингиз дав-
лат қимматга тўшапти. деган
мазмунда кўнгирак қилиб қўйсанг.

Х. ТОЛИПОВ,
М. ЗОКИРОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ»

4-БЕТ, 29 ИЮЛЬ, 1962 ЙИЛ.

Тошкент янгиликлари

МАГАЗИНЛАР
КЎПАЙМОҚДА

Бу йил Тошкентда савдо
заллари бўлган 27 та янги
магазин очилди. Маълумот-
ли. Шулардан ҳозир 15 та-
си меҳнатқашларга хизмат
кўрсатмоқда. Шунингдек,
иланди 32 ўринга 64 та
янги савдо шохбачалари
очилди. Шаҳарнинг чекка
жойлари ва янги уй-жой
масивларида савдо тармоқ-
ларини кўпайтиришга ало-
ҳида эътибор берилаётир.
Ўтган ҳафтада Чилонзорда
икки қаватли магазин очил-
ди. Унинг иккинчи қаватида
саноат товарлари, настиқ қа-
ватда эса озиқ-овқат маҳ-
сулотлари билан савдо қили-
наётир. Бу магазин «Ўзг-
проторг»нинг лойиҳаси бў-
йича қурилди.

Август ойининг бошлари-

да худди шундай магазин
шаҳарнинг шарқи-жанубий
қисмида ҳам очилади.
(ЎзТАГ).

ҲИНДИСТОННИНГ ЯНГИ
ҚУРИЛИШЛАРИГА

Рачи шаҳрида қал кўтарган
отир машинасозлик заводи Ҳин-
дистоннинг энг йирик янги қури-
лишларидан ҳисобланади. Ана шу
объектнинг кўп қаватлари Со-
вет Иттифоқи корхоналари бажар-
моқдалар. Булар орасида Тош-
кентдаги «Подъемник» заводи ҳам
бор. Бу корхона Ҳиндистонга 10
тонна «ж» кўтаралган кучли
якка кўтариш қурилмалари тайёрлаб
беради. Ўзбекистоннинг биринчи
партияси ҳозирлаб Рачига жў-
натилди.

Ҳиндистонда қурилаётган ком-
шата техникаси заводи ҳам шу
корхона маҳсулот етказиб бермоқ-
да. Яна охиригача Ҳиндистоннинг
янги қурилышлари йили ортқ
кучли қурилмалар жўнатилади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Реклама
ВА
Эълонлар

ТЕЛЕВИЗОР

Рус тилида: 12.00 — Физкультура би-
лаи шуғулланиш, 12.20 — Отто космоса
(мультипликацион фильм), 12.40 — 37
қизилари (ёнинг қарши техника қў-
ғилмаси).

Ўзбек тилида: Ўғил болалар номли ба-
диий фильм.

Рус тилида: 18.00 — Шўх мушукча
(болалар учун мултипликацион фильм),
18.15 — Ҳафталик телехроника, 18.25 —
СССР Ҳарбий-Денгиз Флотига қўни,
18.35 — Ким яхши қўйлайди (қатталар
учун қўғилмоқ фильм), 20.05 — Новос-
сия киножурнали ва Тилиш номли
бадиий фильмнинг иккинчи серияси.

Ўзбек тилида: 21.35 — Ҳафталик те-
лехроника, 22.05 — Концерт (Ўзбек қўй-
ларидан).

30 ИЮЛДА
Рус тилида: 18.30 — Чилонзордаги пио-
нер лагерда (нақб ўқувчилари учун),
19.00 — Телевизион янгиликлар, 19.15 —
Атом қурулгани физика қоссалари (Ил-
ғим олимлар билан), 20.20 — Спорт то-
лишмоғи, 20.30 — Революционер оқласи
номли кинотелловети.

Ўзбек тилида: 22.15 — «Ўзбекфильм»
павильонларида, 22.45 — Телевизион
янгиликлар.

30 ИЮЛДА
Рус тилида: 18.30 — Чилонзордаги пио-
нер лагерда (нақб ўқувчилари учун),
19.00 — Телевизион янгиликлар, 19.15 —
Атом қурулгани физика қоссалари (Ил-
ғим олимлар билан), 20.20 — Спорт то-
лишмоғи, 20.30 — Революционер оқласи
номли кинотелловети.

Ўзбек тилида: 22.15 — «Ўзбекфильм»
павильонларида, 22.45 — Телевизион
янгиликлар.

30 ИЮЛДА
Рус тилида: 18.30 — Чилонзордаги пио-
нер лагерда (нақб ўқувчилари учун),
19.00 — Телевизион янгиликлар, 19.15 —
Атом қурулгани физика қоссалари (Ил-
ғим олимлар билан), 20.20 — Спорт то-
лишмоғи, 20.30 — Революционер оқласи
номли кинотелловети.

Ўзбек тилида: 22.15 — «Ўзбекфильм»
павильонларида, 22.45 — Телевизион
янгиликлар.

30 ИЮЛДА
Рус тилида: 18.30 — Чилонзордаги пио-
нер лагерда (нақб ўқувчилари учун),
19.00 — Телевизион янгиликлар, 19.15 —
Атом қурулгани физика қоссалари (Ил-
ғим олимлар билан), 20.20 — Спорт то-
лишмоғи, 20.30 — Революционер оқласи
номли кинотелловети.

Ўзбек тилида: 22.15 — «Ўзбекфильм»
павильонларида, 22.45 — Телевизион
янгиликлар.

30 ИЮЛДА
Рус тилида: 18.30 — Чилонзордаги пио-
нер лагерда (нақб ўқувчилари учун),
19.00 — Телевизион янгиликлар, 19.15 —
Атом қурулгани физика қоссалари (Ил-
ғим олимлар билан), 20.20 — Спорт то-
лишмоғи, 20.30 — Революционер оқласи
номли кинотелловети.

Ўзбек тилида: 22.15 — «Ўзбекфильм»
павильонларида, 22.45 — Телевизион
янгиликлар.

30 ИЮЛДА
Рус тилида: 18.30 — Чилонзордаги пио-
нер лагерда (нақб ўқувчилари учун),
19.00 — Телевизион янгиликлар, 19.15 —
Атом қурулгани физика қоссалари (Ил-
ғим олимлар билан), 20.20 — Спорт то-
лишмоғи, 20.30 — Революционер оқласи
номли кинотелловети.

Ўзбек тилида: 22.15 — «Ўзбекфильм»
павильонларида, 22.45 — Телевизион
янгиликлар.

30 ИЮЛДА
Рус тилида: 18.30 — Чилонзордаги пио-
нер лагерда (нақб ўқувчилари учун),
19.00 — Телевизион янгиликлар, 19.15 —
Атом қурулгани физика қоссалари (Ил-
ғим олимлар билан), 20.20 — Спорт то-
лишмоғи, 20.30 — Революционер оқласи
номли кинотелловети.

Ўзбек тилида: 22.15 — «Ўзбекфильм»
павильонларида,